



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

23 08 сентябрь

224

20 ____ yil " ____ " ____

№ ____

Toshkent sh.

Республикада грипп ва ўткир ҳамда оғир ўткир респиратор инфекциялар мавсумида аҳоли ўртасида эпидемик барқарорликни таъминлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 майдаги ПҚ-3729-сон қарори ижроси ҳамда грипп ва ўткир, оғир ўткир респиратор инфекциялар мавсумига тайёргарлик кўриш ва аҳоли ўртасида эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошликлари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва илмий-тадқиқот институтлари директорлари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошликлари ва вазирлик тизимидаги барча даволаш-профилактика муассасалари ҳамда ташкилотлари раҳбарлари:

жорий йил 1 октябрга қадар даволаш-профилактика муассасалари шифокорлари, ўрта тиббиёт ходимлари учун грипп ва ўткир ҳамда оғир ўткир респиратор инфекциялар профилактикаси, клиникаси, диагностикаси, даволаш, эпидемияга қарши чора-тадбирлари мавзуларида ўқув семинарлар ўтказишни;

барча юқумли касалликлар шифохоналари, перинатал марказларнинг интенсив терапия ва реанимация бўлимларида оғир ўткир респиратор инфекциялар, беморларда ўткир интоксикация, нафас ва юрак кон-томир етишмовчилиги, ДВС синдроми ривожланиши хавфи каби касаллик асоратлари кузатилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда беморлар учун

кўшимча ўринлар захирасини ташкил этиб, эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш учун тегишли шароитлар яратишни;

тез тиббий ёрдам станцияларида ДВС синдроми ва ўткир нафас етишмовчилиги мавжуд бўлган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун махсус бригадаларни тайёрлашни;

2023 йил 20 сентябрга қадар гриппга қарши эмлаш ишларини амалга ошириш мақсадида даволаш-профилактика муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, идоралар ва муассасалардаги мавжуд ёки вақтинча ташкил этиладиган эмлаш пунктларида хавфсиз эмлашни таъминлаш мақсадида етарли шароитларни яратишни;

жорий йил 1 ноябрга қадар грипп касаллигини юктириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган гуруҳларни, жумладан “Болалар уйлари”, “Меҳрибонлик уйлари” ҳамда “Саховат ва Мурувват” интернат уйларида яшовчиларда ўрнатилган тартибда эмлашни ташкил этишни;

бирламчи тиббиёт муассасалари, яъни кўп тармоқли марказий поликлиника (КТМП), оилавий поликлиника (ОП) ва оилавий шифокорлик пункти (ОШП) ходимлари томонидан хонадонма-хонадон юриш (патронаж) хизмати вақтида, сурункали касалликлари мавжуд, ўзгалар кўмагига муҳтож беморларни аниқлаш, уларни гриппга қарши эмлаш бўйича оила аъзоларига тушунтириш ишларини олиб боришни;

вазирликлар, идоралар, кўмиталар, агентликлар ва бошқа ташкилотлар ҳамда ҳамкор ташкилотларга аҳоли билан доимий мулоқотда бўладиган тиббиёт ходимлари, мактабгача таълим муассасалари ходимлари, ўқитувчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини эпидемик мавсумдан олдин гриппга қарши эмлашнинг тиббий ва иқтисодий томондан мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида кенг кўламда тушунтириш ишларини ўтказишни;

барча даражадаги юқумли касалликлар шифохоналари ва туғруқ комплексларида, перинатал марказларда грипп ва ўткир респиратор инфекциялар билан оғриган беморлар учун шифо ўринлари захирасини ташкил этиш, экспресс-тестлар ва вирусга қарши дори-дармонлар, шахсий химоя ва дезинфекция воситалари билан етарли даражада камраб олишни;

ўткир респиратор инфекцияли беморларда касалликнинг оғир кечиши аломатлари кузатилганда зудлик билан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда туман, шаҳар бўлимларига, ўткир респиратор инфекциялар билан оғриган ҳомиладор аёлларни эса ҳудудий перинатал марказларга ётқизишни;

даволаш-профилактика муассасаларини куз-киш мавсумига талаб даражасида тайёрлаш, грипп ва ўткир респиратор инфекцияларни тарқалиш

мавсумида экспресс-тестлар, вирусга қарши дори-дармонлар, шахсий химоя ва дезинфекция воситалари захирасини яратишни;

диагностика ва вирусга қарши дори воситаларининг оқилона ва мақсадли сарфланиши устидан алоҳида назоратни йўлга қўйишни таъминласин.

2. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси (Б. Юсупалиев):

жорий йилнинг 1 октябридан қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари қошида гриппга ўхшаш касалликлар, ўткир респиратор ҳамда оғир ўткир респиратор ва ўткир пневмония касалликлари бўйича амалга ошириладиган эпидемияга қарши чора-тадбирларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш штабларини ташкил этишни;

барча даволаш-профилактика муассасаларида ва эпидемик аҳамиятга эга бўлган бошқа объектларда профилактик, чеклов ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга оширилиши бўйича ўрнатилган тартибда назорат олиб боришни ва Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари вирусология лабораторияларида грипп, ўткир респиратор вирусли инфекцияларни полимераза занжирли реакцияси усулида лаборатория таҳлилларини йўлга қўйиш, ушбу лабораторияларда полимераза занжирли реакцияси усулида текширувларни олиб бориш учун етарли миқдорда диагностик жамламалар ва бошқа лаборатория воситалари билан ўз вақтида талаб даражасида етказиб берилишини;

хафтанинг ҳар душанба куни соат 11:00 гача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча даволаш-профилактика муассасаларида кузатилган гриппга ўхшаш касалликлар (ГЎК), ўткир респиратор инфекциялар (ЎРИ), ўткир пневмония (ЎП), оғир ўткир респиратор инфекциялар (ОЎРИ), ўткир респиратор инфекцияларидан кузатилган ўлим ҳолатлари бўйича Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари томонидан олинган ҳафталик маълумотларни ушбу буйруқнинг 1, 2, 3-иловаларига асосан ўз вақтида жамлаш ва таҳлил қилишни;

барча ўткир ҳамда оғир ўткир респиратор инфекцияларидан кузатилган ўлим ҳолатларида эпидемиологик суриштирув ишлари ўтказишни таъминласин.

3. Вирусология илмий-тадқиқот институти (Э.Мусабаев), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси (Б. Юсупалиев):

юқори патоген зооноз грипп, COVID-19 коронавируси касаллигига гумон қилинган беморларнинг шифохонага ётқизилиши бўйича тегишли тайёргарликни яқунига етказилишини;

даволаш-профилактика муассасаларига грип ва ўткир ҳамда оғир ўткир респиратор инфекциялар клиникаси, диагностикаси, даволаш масалалари бўйича консультатив ёрдам кўрсатилиши тизимли равишда ташкил этилишини;

вакциналар, вирусга қарши дори-дармонлар, шахсий химоя воситалари, грип ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар оғир турларини эрта аниқлашда керакли бўладиган лаборатория воситалари ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур дори воситалари билан даволаш-профилактика муассасаларини таъминлаш учун зарур бўлган маблағларни 2024 йилги смета харажатларида назарда тутилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 19 сентябрдаги 253-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Шадманов ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б. Юсупалиев зиммасига юклансин.

Вазир



А. Иноятов

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2023 йил 08 сентябрдаги
224 - сонли буйруғига
1-илова

Ўткир респиратор инфекцияларнинг оғир формаси билан касалланганлар, ўлганлар ва гриппга қарши
эмлашлар бўйича ҳафталик тезкор маълумот

№	Худудлар	Ўткир респиратор инфекцияларнинг оғир формаси билан касалланганлар		Ўлганлар		Гриппга қарши эмлаш	
		Жами	Улардан хомиладорлари	Жами	Улардан хомиладорлари	Ҳафта давомида	Мавсум бошидан
1	Қорақалпоғистон Республикаси						
2	Андижон вилояти						
3	Бухоро вилояти						
4	Жиззах вилояти						
5	Қашқадарё вилояти						
6	Навоий вилояти						
7	Наманган вилояти						
8	Самарқанд вилояти						
9	Сурхондарё вилояти						
10	Сирдарё вилояти						
11	Тошкент вилояти						
12	Фарғона вилояти						
13	Хоразм вилояти						
14	Тошкент шаҳри						
Жами:							

Соғлиқни сақлаш вазирининг
 2023 йил 08 сентябрдаги
224 - сонли буйруғига
 2-илова

Гриппга ўхшаш касалликлар (ГЎК), ўткир респиратор инфекциялар(ЎРИ), ўткир пневмония (ЎП) ва оғир ўткир респиратор инфекциялар (ОЎРИ) бўйича ҳафталик тезкор маълумот

№	Худудлар	ГЎК	ЎРИ	ЎП	ОЎРИ
1	Нукус шаҳри				
2	Андижон шаҳри				
3	Бухоро шаҳри				
4	Жиззах шаҳри				
5	Қарши шаҳри				
6	Навобий шаҳри				
7	Наманган шаҳри				
8	Самарқанд шаҳри				
9	Термиз шаҳри				
10	Гулистон шаҳри				
11	Олмалиқ шаҳри				
12	Фарғона шаҳри				
13	Урганч шаҳри				
14	Тошкент шаҳри				
Жами:					

Соғлиқни сақлаш вазирининг
 2023 йил 28 сентябрдаги
 224 - сонли буйруғига
 3-илова

Эпидемияга қарши тадбирлар бўйича тезкор маълумот

№	Маъмурий худудлар	Текширилган объектлар					Аниқланган камчиликлар					Қўлланилган жарималар					Иш фаолияти тўхтатилган объектлар				
		Жумладан				Жами	Жумладан				Жами	Жумладан				Жами	Жумладан				Бошқа.
		Жами	МТМ	мактаб	ДПМ	Бошқа.	Жами	МТМ	мактаб	ДПМ	Бошқа.	Жами	МТМ	мактаб	ДПМ	Бошқа.	Жами	МТМ	мактаб	ДПМ	Бошқа.
1																					
2																					
3																					
4																					
5																					
6																					
7																					
8																					
9																					
10																					
11																					
12																					
13																					
14																					